10 НОЯ 19841

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 246 (5537).
26 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИГА

КОММУНИСТЛАР! ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИНИНГ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КЕНГИ ПЛЕНУМЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ КУРАШИНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА БЎЛИНИНГ!

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАСИДИР!

(КПСС Марказий Комитетн Чақириқларидан).



БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ, 1-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИНИНГ ИСМОИЛ ОРИПОВ БОШЛИҚ БЕТОНЧИ-ҚОЛИПЛОВЧИЛАР БРИГАДАСИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ ҚИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРДИ. АЗАМАТЛАР ТУРТ ЙИЛДА БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ ҲАДО ЭТДИЛАР.

Бу муваффақиятнинг гаровида нимада? Жамоатчи бригадирининг Ш. Абдураҳимхудди шу савол билан мухбир қурувчи-бригадир-новатор Ш. Ҳожаат қилди.

— Коллективимиз комбинатга биринчи бўлиб, ўтган меҳнат коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, узлуксиз бригада пудрат методи асосида ишлашга ўтган эди. Янги усулнинг афзалликлари тезда намоён бўлди. Бригадамизда турли ёшдаги, ҳар хил малакадаги кишилар ишласа-да, улар бир-бирини тушунган ҳолда, ака ва иноқ, ҳамкасб сифатларни кўзлаб меҳнат қиладилар. Биз ўз куч ва имкониятларимизни чамалаб олиб, «Беш кунлик топшириқ — тўрт кунда» тамойили билан чиқдик. Мана 4 йилда беш йиллик программани бажаришга киришдик.

Бригадамизда 9 нафар қизувчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири ишлаб бериш «занжири»нинг ҳар қандай звеносида ҳам бир-бирининг ўрнини боса олади. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси 2—3 хил касбларни пухта эгаллаб олган. Масалан, бетончи ҳам қолипчи, ҳам оператор, ҳам кранчи бўлиб бемалол ишлай олади. Коллективимиз ҳар ой топшириғини 125—130 процент ҳадо этмоқда. Иш унуми юқори бўлгач, бригаданинг ҳар бир аъзоси манфаатдордир.

Энг муҳими шундаки, биз узлуксиз пудрат асосида ишлаётган комплекс бригадани ташкил этдик. Бундай аҳил, ишга масъулият ва виждонан ёндошувчи бригада билан ҳар қандай марраларни кўзлаш мумкин.

Бригадамизда шундай қоида бор: агар коллективга янги ишчини қабул этсак, унинг олдига шарт қўямиз: агар дангасалик қилиб, ўз разрядига яраша иш бажара олмаса, коллектив манфаати билан қизиқмаса — у билан хайр-маъзур қиламиз. Бу қоида синовдан ўтган. Янги ишчи коллективимизга тезда сингиб кетади. Албатта бунда, тажрибали қурувчиларимиз, мураббийларнинг ҳам хизмати катталигидир. Тўғри, мураббийчилик иши осон эмас. Унинг ўзи ишлаб чиқариш топшириғини бажариши билан бирга шогирдига йўл-йўриқ кўрсатиши, унинг маҳоратини ошириши, ҳолидан тез-тез хабардор бўлиши лозим. Бизда бундай жонкуяр мураббийлар жуда кўп. Сифат ва самарадорликка эришишимизда социалистик мусобақа ҳам катта роль ўйнамоқда. Бригадамиз коммунистлари, бутун коллектив мусобақанинг ошкоралигини, таъсирчанлигини таъминлашяпти. Бизда мусобақага қатъий равишда якун ясаб борилади. Бизда бирор бир ишчи йўққи, у ишлаб чиқариш нормасини бажармаган бўлсин, «Сафимизда бирорта қолоқ бўлмасин» шиори эса кундалик ишимизнинг қоидасига айланиб қолган.

Бизнинг бригадамизни комбинатда илғор бригада, дейишади. Албатта бу сўзни эшитиш ғоят ёқимли. Пешқадам бўлиш бу шарафли ишдир. Илғордан бошқалар ўрнак олишади, унга тенглашишга ҳаракат қилишади. Биз эса янада янги марраларни кўзлаймиз.

Ҳозирда ҳамма жойларда меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ўстириш ва таннархни 0,5 процент қисқартириш учун кураш бормоқда. Коллективимиз бу борада ҳам сезиларли натижаларга эришяпти.

Хуллас, муваффақиятларга эришишимизда ана шу омиллар қўл келмоқда. Беш йилликнинг ўтган уч йилу 9 ойи мобайнида пландаги 44.809 минг куб метр ўрнига 61.346 минг куб метр йиғма-темир бетон тайёрлаб бердик. Ёки топшириқни 136,9 процент бажардик. Бу бизнинг республикамизнинг шонли юбилейига совғамиздир.

СУРАТДА: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати, 1-уйсозлик комбинати бетончи-қолипловчилар бригадаси бошлиғи Исмоил Орипов.

Т. Каримов фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида СССР саноатининг шу йил тўққиз ойи мобайнидаги иши якунларини муҳокама қилди. Мажлисда маҳсулот реализация қилиш планини барча министрликлар ва иттифоқдош республикалар бажарганлиги қайд этиб ўтилди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши йиллик топшириқдаги 3,8 процент ўрнига 4,1 процентни ташкил этди ва бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Шу билан бирга партия комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг эътибори бир қанча корхоналар билан бирлашмалар ўтган ойларда, шу жумладан сентябрь ойида ўз имкониятлари даражасида ишламаганликларига жалб этилди, 1984 йилги планни адо этиш ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун йўл қўйилган қолоқликни тезроқ бартараф этиш зарурлиги уқтириб ўтилди. Саноатнинг 1984 йил январь — сентябрь ойларидаги иши якунлари тўғрисидаги ахборот матбуотда эълон қилинади.

Сиёсий бюро СССР Министрлар Советининг мамлакатимизда машинасозликни автоматлаштириш вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган рақамли программа билан бошқариладиган замонавий системалар жуда кўплаб ишлаб чиқариладиган ва юксак даражада автоматлаштирилган корхоналарни жадал барпо этишни таъминлашга қаратилган таклифларини кўриб чиқиб, қўллаб-қувватлади.

Ўртоқ А. А. Громиконинг Ироқ Республикаси Бош министри ўринбосари ва ташқи ишлар министри Т. Азиз билан ўтказган музокаралари натижалари маъқулланди. Шу муносабат билан Совет — Ироқ муносабатларини, жумладан, иқтисодий соҳада муносабатларни янада ривожлантириш ижобий аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Яқин Шарқ можаросини ҳар жиҳатдан бартараф этишга ва Ироқ билан Эрон ўртасидаги урушни тўхтатишга эришиш масалалари юзасидан Совет Иттифоқининг принципиал позицияси ўзгармас эканлиги таъкидланди. Ироқ билан Эрон ўртасидаги урушнинг тўхтатилиши шу мамлакатлар халқларининг ҳаётий манфаатларига мос келган бўлур эди.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Хагер билан КПСС ва ГБСП ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга бағишланган суҳбати тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқди.

Ўртоқ В. В. Гришиннинг КПСС Москва шаҳар комитети делегациясининг Югославияга қилган сафари якунлари тўғрисидаги ахборотн маъқулланди. Делегация Белград фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 40 йиллиги билан боғлиқ тадбирларда иштирок этган эди.

Ўртоқ Г. А. Алиевнинг Москвада ўтган Совет — Япония «Давра столи» конференциясида япон жамоатчилиги делегациясининг раҳбар группаси билан учрашуви тўғрисидаги ахборотн тингланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида Совет Иттифоқи ички ва ташқи сиёсатига оид бошқа баъзи масалалар юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди.

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№ 22

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛИШМОҚДА

Биз Ильич районидаги Узоқов номли совхозда Тошкент маданият институти партия комитетининг секретарн, дала штабининг бошлиғи А. Тўлаганбаев учратиб қолдик.

— Бу йил институтнинг 800 дан кўпроқ студентн «оқ олтин» теримида иштирок этмоқда,— дейди у. Бўлажак кутубхоначилар ва маданий оқартув ходимларн пахтазорда зарбдорларча меҳнат қилиб, юбилей йили ҳосилини тез ва соз териб олишишга ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Барча ҳашарчилар кунлик нормани оширнб бажарнш учун сидқидилдан меҳнат қилишаётир. Социалистик мусобақада А. Сафаров, Н. Тонров, А. Рузметов бошлиқ бригадалар байроқдорлик қилишмоқда. Л. Давронова, Б. Эшмуродов, А. Борисов, М. Липпинская сингарн студентлар ўз тенгдошларига ўрнак бўлиб, кунига хирмонга 120— 140 килограммга етказиб пахта тўкишаётир.

Меҳнат мусобақаси ҳар беш кунда якунланиб борилмоқда. Мусобақа ғолиблари пул мукофотлари билан тақдирланяпти. Шунингдек, ҳашарчи-студентларнинг дам олишн ҳам яхшн ташкил қилинган. Уларнинг фидокорона меҳнатдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришн учун кўплаб кўнгилочар ўйинлар ташкил қилиниб, кунлик газета ва журналлар мунтазам келтирилмоқда. Меҳнат кунидан сўнг студентлар нстиқомат қиладигаи дала шийпонларида шўх куй ва қўшиқлар янграйди.

* * *

СУРАТДА: маданият институти студентлари пахта йиғим-теримида.







«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 25 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,18	90,01
Тошкент	1,19	87,64
Наманган	1,24	85,00
Андижон	0,98	81,69
Сурхондарё	1,11	76,74
Хоразм	1,31	76,06
Сирдарё	1,50	72,61
ҚҚАССР	1,54	62,09
Самарқанд	1,22	61,79
Бухоро	0,66	56,55
Жиззах	1,01	56,03
Навоий	0,84	52,63
Қашқадарё	0,75	40,77
Республика бўйича:	1,11	89,90

тонгги газеталарда

● 24 октябрь куни Кремлда СР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг 1984 йилдаги фаолияти тўғрисида комиссия раиси Г. Ф. Сизовнинг ахбороти тингланди.

КПСС Марказий ревизия комиссияси бюросининг иши тўғрисида ва КПСС Марказий Комитети Хатлар бўлимининг ишини ревизия қилиш натижалари ҳақида ахборот берилди. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ишида иттифоқдош республикалар Компартиялари, ўлка ва область партия ташкилотларининг ревизия комиссияларига ёрдам беришга катта ўрин ажратилди.

Мажлисда КПСС Марказий ревизия комиссиясининг 1985 йилга мўлжалланган иш плани кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

ИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати ва тайёрлаш министрлигининг нон ишлаб чиқариш, ун-крупа соҳаси корхоналари партия ташкилотларининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, сифатини яхшилашда ўрта бўғин раҳбарларининг масъулиятини оширнш бўйича иши тўғрисида.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети мазкур масала бўйича қабул қилган қарорида шуни таъкидлаб ўтдики, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати ва Ўсимлик мойи министрлигининг Нон маҳсулотлари соҳаси ва ун-крупа саноати шўъбасини партия ХХVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумларн қарорларн асосида ўрта бўғин раҳбар кадрларининг ишлаб чиқаришни ошириш асосида интенсивлаштириш, меҳнат унумдорлигини янада ўстириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш учун мавжуд резервларни қидириб топиб, уларга солиш бўйича маълум ишларни амалга оширяпти.

Амалга оширилган ишлар, меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини кенг ёйиш, социалистик мусобақани кенгайтирш, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-нон маҳсулотларн комбинати, 1, 3-ун заводларига ўн биринчи беш йилликнинг уч йили ва шу йилнинг тўққиз ойи асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг муваффақиятлн адо этиш имконини берди.

Шу билан бирга, қарорда таъкидлаб ўтилганидек, «Ташкентхлеб» бирлашмаси, булка-кондитер комбинати ва ун заводлари партия ташкилотларининг ўрта бўғин раҳбар кадрларининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтирш бўйича ишларн Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумн ва Тошкент шаҳар партия комитетининг VI пленумн талабларига тўла жавоб бермайдн.

Ўрта бўғин раҳбарларининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, ассортиментини кенгайтиришдаги роли ва масъулиятини оширнш масалаларн партия ташкилоти эътиборидан четда қолдн. Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига етарлн эътибор берилмаяпти, коммунистларнинг хизмат бурчларини бажаришларн бўйича ҳисоботлари кам тингланади. Бу масалаларга эътибор бўшашганлиги оқибатида корхоналарда технология интизомнин бузнш ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарнш ҳоллари содир бўляпти.

Маъмурият фаолиятини назорат қилиш бўйича комиссия ва халқ контроли постлари ўз иши билан технология интизомига риоя қилишда ишнинг аҳволига етарлн таъсир кўрсатмайдн, салбий ҳодисаларга қарши қатъий кураш олиб бормайдн.

Булка-кондитер комбинатида ва «Ташкентхлеб» ишлаб чиқарнш бирлашмасида белгиланган ассортиментда маҳсулот ишлаб чиқарнш топширнғи тўла ҳажмда бажарилмайдн, 146 номдагн маҳсулотдан 21 процентн жуда оз миқдорда ишлаб чиқарилади. Бунда турлн компонентлар, хом ашё ва бошқа маҳсулотларнн етарлн қўшмаслик ҳоллари бўляпти.

Ўрта бўғин раҳбарлар ўртасида партия аъзоларнни кўпайтиришга етарлн эътибор берилмаяпти. 2-дон маҳсулотларн комбинатида 42 бригададан 5 тасига коммунистлар бошчилик қиляпти. Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада усулида ишлаётган 38 бригадасининг 30 тасида бнронта ҳам коммунист йўқ.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати ва тайёрлов министрлигининг партия ташкилотлари, коммунист-раҳбарлари корхоналарга уларнн янгн технологик ускуналар, эҳтнёт қисмлар, сифатлн хом ашё билан таъмнилашда зарур ёрдам кўрсатишмаяпти, бу корхоналар ишчиларининг турар жой-маиший шароитнни яхшилаш бўйнча етарлн чора-тадбирлар белгилашмаяпти.

Ўзбекистон Компартиясн Тошкент шаҳар комитетн шаҳардаги нон ишлаб чиқарнш, ун-крупа соҳаси корхоналарн партия ташкилотларн зиммасига партия ХХVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари, Ўзбекистон Компартиясн Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумларн ва Тошкент шаҳар партия комитетининг VI пленумн талабларн асосида ўрта бўғин раҳбарларининг нон-булка маҳсулотларн ва сортлн ун ишлаб чиқарншнн кўпайтирнш, сифатнни яхшилаш, ассортиментнни кенгайтирншдагн масъулиятнни оширнш вазифасини қўйдн.

«Ташкентхлеб» бирлашмасн, булка-кондитер комбинати, 1, 3-ун заводларн, 2-дон маҳсулотларн комбинатн бошланғич партия ташкилотчилик ва снёсий-тарбиявий ишларнн давлат планларнни, соцмалистик мажбуриятларнн ва ўн бирнчи беш йиллнк топшириқларнни сўзсиз бажаришга қаратиш таклиф этилдн.

Ишлаб чиқаришга янгн техникани, илғор технологиянн ва меҳнатнн ташкил этнш ва рағбатлантиришнинг янгн формаларнни жорий этнш, иш услубн ва методларнни такомиллаштирш, ўрта бўғин раҳбарларнинг шахсий масъулиятнни ошириш орқалн ишлаб чиқарилаётган нон-булка, кондитер маҳсулотларн ва сортлн ун сифатнни тубдан яхшилаш ва ассортиментнни кенгайтирш таклиф этилдн. Мастерлар, цех, хизмат, бўлим бошлиқларнинг юқорида кўрсатилган масалалар бўйнча ҳисоботларнн тезтез тингламай, зарур бўлганда ишлаб чиқарншнинг асосий участкаларнни юксак ишчанлик ва снёсий фазилатларга эга бўлган ташрибали коммунистлар билан мустаҳкамлаш лозим.

Маъмурият фаолиятн устидан назоратнн кучайтирш, коллективларнн маҳсулот ассортиментнни кенгайтирш ва сифатнни яхшилаш ишига жалб этишнинг муҳим воситаси сифатида партия йиғилишларн роллнн тнимай оширнб борнш лозим.

ДАЛА НЕЪМАТЛАРИ— ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА

Калинин район меҳнаткашлари давлатга қишлоқ хўжалиги неъматларн сотиш планнни муддатидан илгарн бажардилар.

Тошкент областидаги Калинин районн меҳнаткашлари юбилей йилида самарали меҳнат қилишди. 22 октябрда давлатга қишлоқ хўжалиги неъматларни сотиш планн муддатидан илгарн шараф билан бажарилди. 9.300 тонна картошка, 105 минг тонна сабзавот, 97.000 тонна узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги неъматлари сотилди.

Бундай катта муваффақиятга илғор тажрибаларни жорий этиш, шунингдек, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, меҳнатни такомиллаштириш ва фойдаланилмаган резервларни ишга солиш туфайли эришилди.

Бунга райондаги «Москва» колхози, Куйбишев номли, «Партия ХХ съезди», Қорасув ва «Москва» совхози коллективи ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Район маҳсулотларнинг асосий қисмини Тошкент меҳнаткашларига юбормоқда. Ҳамшаҳарларимиз дастурхонига 2709 тонна пиёз, 873 тонна саримсоқ пиёз, 500 минг тоннага яқин бодринг, 5272 тонна қизил лавлаги, 10 минг тоннага яқин помидор, 7885 тонна картошка, шунингдек, бошқа дала неъматлари юборилди. Калинин районнинг хўжалик меҳнаткашлари «Ўроқ ва Болға» иттифоқига содиқ бўлган ҳолда тошкентликларни қишлоқ хўжалиги неъматлари билан таъминлашда социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришмоқда.

Сабзавот, картошка, узум сотиш давом этмоқда. Бу йил ҳар бир гектардан 140 центнер картошка ва 340 центнер сабзавот олиш мўлжалланган. Район хўжаликларида 1985 йил қизили учун ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Район меҳнаткашлари ҳар бир соат, ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, ҳамма ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга, Озиқ-овқат программасининг бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

БУГУН ТОШКЕНТДА ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

Унинг темаси — «Ўзбекистон — СССР халқларининг қардошлик оиласида».

(Ягона сиёсий кунга оид материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўн ойлик планни муддатидан илгари адо этган Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг корхоналари иоябрь ойи буюртмалари бўйича дастлабки маҳсулотларни ишлаб чиқара бошладилар.

Инл бошидан бери бошқарма корхоналарида 46 хил янги буюмни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 13 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 2—4, эртага кундузи 14—16 даража иссиқ бўлади.

Хатларга мутасаддй раҳбарлар жавоби

«Ишончли қўлларга»

ХАТ ВА ТАКЛИФЛАР — ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ТАЛАБЛАРИ ВА ОРЗУ-УМИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА, ЖАМИЯТИМИЗ СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДАГИ ИШЛАРНИНГ АҲВОЛИ ТЎҒРИСИДА ЭНГ ИШОНЧЛИ ВА ҚИММАТЛИ АХБОРОТ МАНБАЛАРИДАН, СОВЕТ ГРАЖДАНЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯДА БЕЛГИЛАНГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ВОСИТАЛАРДАН БИРИДИР.

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ... тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ... нат коллективи номи берилган. Бу муваффақиятга ... тикувчиси, комсомол аъзоси Гулсара Тоҳировани ... бор. Бу ишчи ойлик топшириқларини 130—140 процент этиб, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлайди. Шу ... лашма жамоат фаолиятида ҳам фаол иштирок этади, ... ҳамкасблари ўртасидаги обрў-эътибори юқори.

СУРАТДА: илғор тикувчи, комсомол аъзоси Гулсара ... М. Нуриддинова.

БУГУН—ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ—60 ЁШДА

БУГУН шаҳарнинг барча корхоналари ва муассасалари, ташкилотлари коллективларида, ўқув муассасаларида ягона сиёсий кун бўлиб ўтмоқда. Меҳнат коллективлари ҳузурида шаҳар раҳбарлари, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, хизмат ва идораларнинг хўжалик ходимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли юбилейни қандай муваффақиятлар билан кутиб олаётганимиз ҳақида амалий суҳбат ўтказадилар. Бугунги кунда 1984 йил ва умуман беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун қайси проблемаларга асосий эътиборни қаратиш зарурлиги ҳақида сўз юритадилар.

Одатдагидек, докладчиларга кўплаб саволлар берилади.

Бугун биз алоқа корхоналари ишларини ташкил этиш бўйича раҳбарларга бундан олдин бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда берилган саволларга жавобларни эълон қиляпмиз.

Шаҳар телефон алоқасининг ишини яхшилаш учун нималар қилиняпти, уни ривожлантиришнинг қандай истиқболлари бор!

Шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг бошлиғи А. Х. АЛИМБОЕВ жавоб беради:

— Шаҳарда 226 минг телефон ва 3700 таксофон ўрнатилган. Шаҳар телефон тармоқлари шахобчаларининг барча иншоотлари бир маромда кечаю-кундуз ишлашини таъминлаш, 09 ва 009 хизматлари бўйича кечаю-кундуз справкалар бериб туриш, муассасалар ва турар жойларда телефонлар ўрнатиш бизнинг вазифамиздир.

Сўнгги йиллардаги иш натижалари аҳолига телефон хизмати кўрсатиш анча яхшиланганидан далолат бериб турибди. Масалан, кейинги икки йилда шикоятлар сони 800 тадан 500 тага камайди. Аммо телефон тармоқларининг иши ҳамон бир қатор эътирозларга сабаб бўляпти.

Аҳоли шунга қизиқяптики, барча тошкентликларни телефон билан таъминлаш мумкинми? Яқин келажакда эса бундай вазифани қўйиб бўлмайди. Шу беш йилликда 13 та янги автомат-телефон станцияси (АТС)ни ишга тушириш планлаштирилган эди. Ҳозиргача учтаси фойдаланишга топширилди, холос. Бунинг асосий сабаби улар учун бинолар қурилиши тўхтаб қолаётганидадир. 1982 йилдаёқ 66/67, 65, 49/40, 72, 47-АТСлар учун бинолар технологик дастгоҳларни монтаж қилиш учун топширилиши керак эди. Бироқ, бу қурилишлар бугунги кунгача ҳам тугалланмаган. 37, 70/71 72, 63, 22/23- АТСлар учун бинолар қурилиши ҳали бошланган ҳам эмас. Буюртмачи — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш Бош бошқармасидир. Беш йиллик охиригача 10 минг номерли 34-АТС, 20 минг номерли 66/67-АТС, 5 минг номерли 47-АТСни фойдаланишга топширишни мўлжаллаяпмиз. Қорасув массиви ва унга туташган кўчалар келгуси беш йилликнинг бошларида телефонлаштирилади.

Нега шаҳарда телефон орқали вақтни билиш хизмати йўқ!

Вақт хизмати келгуси йилнинг биринчи кварталидан бошланади. Телефон орқали «Эртак» айтиш хизмати ҳам ана шу вақтдан бошланади.

Шаҳарнинг ҳар бир аҳолиси почта алоқаси хизматларидан фойдаланмоқда. Хат, совға-салом, газеталар манзилга тез ва аниқ етиб боришн учун, яъни аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш учун нималар қилиняпти!

Бу саволга шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармасининг бошлиғи Т. Н. НАЗАРЖОНОВ жавоб беради:

— Шаҳарда 208 та алоқа бўлими ва иккита корхона — темир йўл почтамти ва ҳаво йўли бўйича почтани ташиш бўлими мавжуд бўлиб, улар пойтахт аҳолиси ва халқ хўжалигининг почта алоқаси хизматларига бўлган эҳтиёжларини таъминламоқда. Лекин почта хизмати доимо ўсиб бораверади. Масалан, ҳозир биз ҳар куни аҳолига ва бошқа шаҳарларга 2877 совға-салом, 3708 пул қоғозлари, 175,5 минг хат, 3 минг нусхадан зиёд вақтли матбуот ва ҳоказоларни жўнатиб турибмиз ва етказиб беряпмиз.

Алоқа бўлимларининг ишларини янада яхшилаш ва почтани етказиб бериш устидан назоратни кучайтириш мақсадида бошқармада 067 хизмати ташкил этилди. Абонент телефон орқали шу номерни териб, почтани элтиб бериш юзасидан эътирозлар билдириши мумкин ва бир сутка муддат ичида тегишли жавоб олади.

Шу йилдан бошлаб квартиралардаги телефонлар орқали телеграммалар қабул қилиш учун 008 хизмати ташкил этилди. Шунингдек, биз телефонлар орқали телеграммаларни манзилига етказиш усулини тобора кўпроқ қўллаяпмиз. Йил бошидан телефонлар орқали 15 мингга яқин телеграмма етказилди. Хизмат кўрсатишнинг бу илғор усули ҳам мижозларнинг, ҳам алоқа бўлими ходимларининг вақтини тежаяпти.

Баъзан бошқа шаҳарга қўнғироқ қилиш қийин бўлиб қолади. Ҳатто республикамиздаги шаҳарларга қўнғироқ қилишда қийинчиликлар бўлиб қоляпти. Айниқса 07 да ишлаётган телефонистка-ларга кимнинг иши тушса шундай бўлмоқда. Шаҳарлараро телефон алоқасини яхшилаш учун нималар қилиняпти!

Шаҳарлараро телефон алоқаси станциясининг бошлиғи Д. М. АБДУЛЛАЕВ жавоб беради:

— Шаҳарлараро телефон алоқаси хизматини сифат жиҳатдан яхшилаш учун муттасил равишда АМТСга уланган каналларни кўпайтириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун иш олиб бориляпти. Шу беш йиллик бошидан каналлар сони 40 процентга кўпайтирилди, автомат телефонлар орқали суҳбатлар сони уч ҳисса кўпайди. Бугунги кунда 170 шаҳар билан автоматик алоқа бўйича кўнғироқ қилиб гаплашиш мумкин. Республиканинг барча область марказлари билан кабель ва радио- реле йўллари бўйича алоқа мавжуддир. Бу ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам алоқанинг юксак сифатли бўлишини таъминламоқда.

Шаҳарлараро алоқа автоматлаштирилмаган йўналишларда ҳам хизмат кўрсатиш яхшиланди. Эндиликда мижозлар аввалгидек бир соатдан ортиқ вақт мобайнида сигнални кутиб ўтиришмайди. 07 да ишлаётган телефонистлар фаолиятига билдирилаётган эътирозлар ҳам кўп. Шунинг учун биз ҳозир ҳар бир телефонистканинг қанчалик тез жавоб беришини ҳисобга олиб турадиган мосламани ишлаб чиқяпмиз ва жорий этяпмиз.

Шаҳар аҳолисини шу нарса қизиқтиряптики, нега биз квитанция—счётларда неча марта, қанча вақт, қайси куни гаплашганликни, шаҳар КОДини эндиликда кўрсатмаяпмиз?

Бугун эрта барча шаҳарликлар турли коммунал хизматлари, шу жумладан телефон ҳақини ҳам ягона ҳисоб-китоб дафтарчаси бўйича тўлай бошлайдилар. Шу йилнинг февраль ойидан бошлаб эса Алоқа министрлиги тасдиқлаган қоидаларга кўра счётда (биз уни абонентларга юборамиз) ҳар ярим ойда неча марта гаплашилгани ва сумманигина кўрсатяпмиз. Квитанцияда телефон бор. У орқали кенгроқ ахборот олиш мумкин. Аммо тажриба шуни кўрсатдики, фақат 100 та ҳолдан 5 тасидагина аниқлаш талаб этиляпти.

«Союзпечать» киоскаларн ишини яхшилаш учун нималар қилинаяпти!

«Союзпечать»нинг шаҳар дирекцияси бошлиғи Т. У. УЛҚАНБОЕВ жавоб беради:

— Бу йил «Союзпечать» киосклари тармоғи кенгайди. Янги массивларда янги киосклар очилди. Ўтган йилдан бошлаб аҳолига қулайлик яратиш мақсадида киосклар сирғалувчи график бўйича ишлашга ўтказилди. Йирик саноат корхоналари, жамоат транспорти бекатларида эса киосклар эрталаб соат еттидан иш бошламоқда. Бу эса кишиларга иш сменаси бошланишидан олдин газеталарни сотиб олиш имконини беради. Одам гавжум жойларда — автостанциялар, темир йўл вокзали, аэропортда киосклар иши кўп сменали қилиб ташкил этилди. Метрода газеталарни сотиш учун янги янада такомиллашган ярим автоматлар ўрнатилди.

«Союзпечать» ходимлари марказий ва республика газета ҳамда журналларига бўлган ўқувчилар эҳтиёжини муттасил ўрганиб бормоқдалар. Олинган маълумотларга қараб биз киоскаларга вақтли матбуотни қанча миқдорда жўнатиш кераклигини белгилаяпмиз. Бу эса яхши самара беряпти. Киоскаларга келтирилаётган газета ва журналлар ўз вақтида ўқувчиларга етиб бормоқда. Киоска маҳсулотлари тўла харид қилинмоқда.

Оддий телеграммалар манзилга кеч—икки кунда етиб бормоқда. Яқин келгусида бу борада бирон-бир ўзгариш бўладими?

Марказий телеграфнинг бош инженери В. Г. Будагов жавоб беради:

Телеграфда ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича ишлар давом эттириляпти. Бу йил аппарат-программа комплекси монтаж қилинади. Бу эса 95 процент телеграммаларни жўнатиш жараёнини автоматлаштириш имконини беради, жараён сифати яхшиланади. Қуйи участкаларда телеграммаларнинг ўтиш жараёни эса анча қисқарди.

Транспорт ва йўловчи

АВТОБУСЛАР АЛМАШТИРИЛАДИ

Сизнинг газетангиз саҳифасида 3-автопарк «ЛАЗ—695М» маркали автобуслар билан қай даражада таъминланаётганлиги тўғрисида бирон-бир маълумот ўқишни истардик. Шунингдек, 56-маршрутга нима учун янги автобуслар ажратилмаяпти! Бу ерда аввалгидек эски, тақир-туқир, ўриндиқлари ва эшикларн синган автобуслар қатнамоқда. Бу автобусларнинг харакат интервалларн жуда катта. Бекатларда 30—40 минут кутишга тўғри келяпти. Айниқса, Қорақамиш 1/2 ва 4/2 массивларига транспорт хизмати кўрсатиш ёмон аҳволда.

Л. САИДЖАЛИЛОВА,
33-поликлиника врачи.

А. СУЛТОНОВ, «Главташпассавтотранс» бошлиғи ўринбосари.

— Партия, совет ташкилотлари ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги кўрсатмасига биноан Бош бошқарма йўловчилар оқими кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб «ПАЗ—672» маркали кичик ҳажмли автобусларни, айниқса шаҳарнинг Октябрь. Собир Раҳимов ва бошқа районларидаги маршрутлар бўйлаб ҳаракат қилаётган ана шундай автобусларни ўрта ҳажмдаги «ЛАЗ—695» ва катта ҳажмдаги «Икарус—260» маркали машиналар билан алмаштиришни мўлжалламоқда.

«ЛИАЗ—677». Ҳозирги кунда бу тадбир 28 «э», 85-«э», 166, 59, 11-«э», 31 ва бошқа маршрутларда амалга оширилди. Ўрта ва катта ҳажмдаги автобуслар келиши билан 3-автопаркнинг кичик ҳажмдаги автобуслари алмаштирилади. Шу жумладан 56-маршрутдаги автобуслар ўрнига ҳам янгилари қўйилади.

● Сизга қандай хизмат кўрсатиш...

ҚЎПОЛ СОТУ...

Марказий универсал магазинни олдида жойлашган ... 21/6-номерли магазинида электр иситиш асбобини сотиб ... дим. Бу ерга ишдан сўнг, 18.30 да келдим. Бирок магазин ... ҳоланки, эшикка магазин 19.00 гача ишлайди, деб ёзилган ... белгиланган вақтдан олдин савдо тугатилганлиги тўғрисида ... дим. Аммо менга жуда қўпол жавоб қилишди. Узини ... тирган ёш йигитча илтимосимга кўра шикоят дафтарини ... менга оқ қоғозга исми-шарифимни, адресимни ёзиб ... қилди. Акс ҳолда шикоят дафтарини ололмайсан, деб ...

Узим ҳақида ана шу маълумотларни ёзгач, магазинга ... Киришим билан «мудир» ва яна бош нафар сотувчи ... галашиб, қўрқита бошлашди. Афтидан улар ишни жаннат ... кўзлашган эди...

Мен Граждан авиацияснинг 243-заводида ишлаб чиқари... либ ишлайман. КПСС аъзосиман. Идеология бўйича котиб... секретарининг ўринбосариман. Иш бажарувчиларидан, ... меҳнат интизомини, сифатли иш бажаришни талаб этиш ... тўғри вазифамга киради. Лекин бундай ўзбошимчалик ва ... ишлаб чиқаришимизда умуман хаёлга келтириб бўлмайди...

Мен давлат муассасида ўзини тута билмаган ана шу ... лиясини билишни жуда-жуда истардим.

Э. САМАРХЎЖАЕВ, «Ташхозторг» директори вазифасини ...

— С. Николишнинг хатида келтирилган фактлар ўз тасдиғини топди. 21/6-номерли магазинининг кичик сотувчиси Т. Илҳомов харидорга товар сотишни, шикоят ва таклифлар дафтарини беришни рад этган. Унинг бу қилмиши барча магазинларнинг директорлари ва мудирлари иштирокида «Ташхозторг»нинг ишлаб чиқариш йиғилишида муҳокама қилинди.

Торг буйруғига биноан кичик сотувчи Т. Илҳомовга виговор эълон қилинди ва октябрь ойи учун мукофотдан маҳрум этилди. 21/6-номерли магазин директори Т. Азизовга коллективда сиёсий-тарбиявий ва сотувчилар иши устидан назорат ишларни яхшилаш юзасидан кўрсатма берилди. Аҳоли ўртасида харидоргир бўлган айрим эҳтиёт қисмлар битта автомобилга белгиланган норма асосида сотилади.

МИЖОЗ ТАЛАБИ ҚОНДИ...

Саксон ёшга кирган қўшнимиз уйига печка ўрнатаяпти. ... шундай буюртмаларни бажариб беришлари мумкинлигини ... маслаҳат қилди. Қарнини уринтирмасдан у кишининг ... «Стройрембит»нинг Собир Раҳимов районидаги печка қури... сига олиб бориб бердим. Лекин ҳалигача ўрнатиб бермади...

М. Ю...

230-ўрта мактабини ...

Р. АБДУРАСУЛОВ, Шаҳар «Стройрембит» бошқармасининг бошлиғи.

— Газетхоннинг шикояти ўринли. Ҳақиқатан ҳам М. Исмоилов Сотволдиев номидан печка қуриш учун ариза берган. Мижозлар шуни эсдан чиқармасликлари керакки, буюртма печка қуриб бериш учун пул бухгалтерияга тушгандан кейин уч ой ичида бажариб берилади. Айни вақтда Бундёдкор кўча, 16-уйда яшовчи Сотволдиевнинг 407-бинодаги ... жой тозалаш ... ҳимоя ... га ... роз ...

● «Тошкент оқшоми»да босилган...

«КУЛСИНМИ... ЙИҒЛАСИ...

Газетанинг шу йил 23 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада аҳолига почта хизмати кўрсатишдаги камчиликлар танқид қилинган эди. Чунончи, И. Икромов кўчасида яшовчи Э. Азаматовнинг уйига бошқа одамларга келган хат ва телеграммаларни ташлаб кетишган.

Тошкент шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармаси бошлиғи Т. Назаржоновдан олинган жавобда айтилишича, алоқа бўлими индекси қўйилмаган телеграмманн Э. Азаматовнинг почта яшигига почтальон А. Жуков ташлаб кетган. Бу билан у телеграф ...

Хат босилмади, аммо чора ...

ОЧИҚ ҲАВОДАГИ ТУ...

«Главташкентстрой»нинг «Отдельстрой» трести ишлаб чиқариш тайёрлов группаси куратори Л. Журавлёва редакцияга хат йўллаб, Юнусобода «Шодлик», 43 ва 52-болалар боғчаларини қурадиган 1-қурилиш трестининг 63-қурилиш бошқармаси бинокорлари учун иссиқ овқатлар ташкил этилмаганн ҳақида ёзган эди. Яқин жойда на ошхона, на буфет, на магазин йўқ эди. 63-қурилиш бошқармаси бошлиғи Р. Зуфаров ва мастерлар Ж. Алиев билан М. Норбоев ишчилар овқатланишини ташкил этиш масаласи билан шуғулланишни исташмаган.

«Главташкентстрой» Солиҳовнинг хабар қилиш бошлиғи ўринбосари Қ. ...шича, эндиликда 52-бола...

АВТОМОБИЛНИНГ КОМИССИОН САВДОСИ

Аҳолига комиссион тартибда сотиш учун ташкилотлардан қабул қилинадиган енгил автомобилларни реализация қилиш тартиби қандай!

Х. ХЎЖАҚУЛОВ.

Ваъдага вафо қилинади

Метрополитен қурилиши бошланган дан бери Чилонзор районидаги I-Чарх-Камолон маҳалласи аҳолиси катта қийинчиликларга дуч келяпти. Илгари иккинчи кўприк яқинидаги троллейбус бекатида озиқ-овқат ва нон магазинлари, «Союзпечать», газ сув ва мороженое дўкончалари бўлардн. Эндиликда улар йўқ.

Беш йилдирки, шу атрофда гараж қурилаяпти. Қурувчилар магистрал йўл — Комил Ёрматов кўчасидан қатновчи шаҳар транспортига ва 128-мактабга ўтиладиган жойни ковлаштириб ташлашган. Ёғингарчилик пайтида бу жойдан ўтиш жуда хавфли. Тўрт қаторли ҳаракат йўлга қўйилган Халқлар Дўстлиги проспектида ҳеч қандай белги йўқ. Проспектда ўтиш ҳам хавфли. Шуни ҳам айтиш керакки, метронинг очиқ участкасидан Ҳамза метро станциясигача ҳеч қандай транспорт қатнамайдн.

Брусиловский кўчаси беркитиб қўйилган. Етти терак кўчасидан 2 дан 6-Хива проездигача асфальтланмаган бўлиб, бу жойда ботқоқлик ҳосил бўлган. Район ижроия комитетида буларнинг ҳаммасини билишади. Лекин қуруқ сўздан амалий ишга ўтишмаяпти. Етти терак кўчаси тунги пайтда ҳамиша ҳам ёритилавермайдн.

Маҳалла комитетн бутун аҳоли номидан редакцияга мурожаат этиб, тегишли ташкилотлар кўчаларимизда тартиб ўрнатишн учун тегишлича қарорлар қабул қилишида таъсир кўрсатилишнн сўрайдн.

М. МИРКОМИЛОВ, Чилонзор район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

— Чиндан ҳам метрополитен қурилиши ва Комил Ёрматов кўчаси бўйлаб Халқлар Дўстлиги проспекти муюлишидаги уйлар бузилиши муносабати билан бу ерда жойлашган озиқ-овқат магазини бузилган эди. I-Чарх-Камолон маҳалласи аҳолисининг илтимоси ҳисобга олиниб, Чилонзор райпишчеторгига архитектура - планлаштириш Бош бошқармаси билан келишилган ҳолда у ерда «Ветерок» типидаги янги магазин қурилиши имкониятини ўрганиш топширилди. Шунингдек, «Ташлимволторг»га ва «Союзпечать»га киосклар ўрнатиш ва совуқ ичимликлар савдосини ташкил этиш топширилди.

Бу ерда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Госплани гаражи қурилаяпти. Ўз вақтида ободонлаштириш бошқармаси томонидан пиёдалар йўлкаси қурилган эди. Бироқ, водопровод ётқизиш пайтида унинг бир қисми бузилган. Йўлка шу ой ичида қайта тикланади. Район Совети ижроия комитети Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ГАИ бошқармасига хат йўллаб, айтилган кўча ва проспектда транспорт ва йўловчилар учун зарур белгилар ўрнатилишини ва пиёдалар ўтиш жойига чизиқлар туширишни сўради. Брусиловский кўчасига келсак, у кўчада Анҳор ёқасида фақат битта эски уй бўлиб, уни бузиб ташлаш ободонлаштириш бошқармасига топширилди.

Етти терак кўчаси бўйлаб Хива кўчасининг 4-проездидан 6-проездигача йўлнинг қатнов қисми ремонтдан чиқарилди: I-Чарх-Камолон маҳалласидаги кўчаларда канализация тармоқлари қурилиши масаласида «Водоканал» трести мурожаат этдик. Бу ишни 1985 йилда бажариш имкониятини топишни сўрадик. Ташқи ёритгичлар созланди.

БУЮРТМАЧИ НЕГА РАНЖИМОҚДА?

Юнусобод массивидаги 2-техника хизмати кўрсатиш станциясининг буюртма қабул қилувчи мастери машинамни созлаш бўйича мен айтган ишдан ташқари иш ҳажмига днагностиканн ҳам қўшди. План бажарилиши учун керакмиш. Мен бундай қилмаслнкни сўраган эдим, улар ремонт ишларнин бажаришни рад этишди ва шикоят ва таклифлар дафтарнни беришмади.

Куйбишев шоссесидаги 11-техника хизматн кўрсатиш станцняси қошидаги автосалон сотувчнси эса менга бнр номдагн иккита эҳтиёт қисмни сотмадн. Станцня бошлиғига мурожаат этган эдим, у ҳам масалани ҳал этмади, шикоят дафтарнни бермадн.

Автосалон сотувчнси салоннн ярим-бнр соат кечикиб очади, иш пайтида шахсий машинасннн ремонт қнладн.

В. КОСТЕНКО.

А. ЭШОНХЎЖАЕВ, «Узавтотехобслуживание» республика саноат бирлашмасининг бошлиғи.

— Биз ўтказган текшириш пайтида 2 ва 11-техника хизмати кўрсатиш станциялари раҳбарлари билан суҳбатлашилди, улардан тушунтириш хати олинди. В. Костенконинг мактуби 2-техника хизмати кўрсатиш станцияси ходимлари орасида муҳокама этилди. Шунингдек, бу ерда аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ва буюртмачилар билан ўзаро муносабат хусусида усталар билан қўшимча инструктаж ўтказилди. Эндиликда шикоят ва таклифлар дафтари 2 ва 11-техника хизмати кўрсатиш станцияларидаги буюртмачилар хонасига кўзга кўринадиган жойга осиб қўйилди.

11-техника хизмати кўрсатиш станцияси қошидаги автосалоннинг товар оборотн кам бўлгани сабабли сотувчи айни пайтда омбор мудири авзифасини бажаради. Станцня раҳбарларига унинг ишини яхшилаш юзасидан кўрсатма берилди. Аҳоли ўртасида харидоргир бўлган айрим эҳтиёт қисмлар битта автомобилга белгиланган норма асосида сотилади.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз «Узавтотехобслуживание» раҳбарндан айрим аҳамняти кам бўлмаган саволларга жавоб олмадик. Нима учун техника хизмати кўрсатиш станцияларининг ходимлари гўё ўзлари хон, қўланкалари майдондек манманлик қилишяпти — хоҳлашса ишга келишади, хоҳлаган пайтларида кетишади, иш пайтида шахсий иш билан шуғулланишади, иш ҳажмини атайин ошириб ёзишади? Планни бажариш кераклигини ҳамма билади, лекин 2-техника хизмати кўрсатиш станциясидаги каби диагностика каби ишлар ҳисобига бўлмаслиги керак. Ўртоқ Эшонхўжаев яна бир нарса ҳақида лом-мим демаган. Ўз хизмат вазифасини суинстеъмол қилган ходимларнинг исми-шарифларини айтмаган. Ёки бу ерда чиндан ҳам исми-фамлияси номаълум шахслар ишлашармикан?

2 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

26 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ 1985 ЙИЛДА

ЛЕНИНЧИ КПСС Марказий Комитети органи, совет матбуоти байроқдоридир. Унинг саҳифаларида СССРда ва чет элларда бўлаётган энг муҳим воқеаларнинг ўзига хос солномасидир. «Правда» сўзига ҳаҳондаги барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари зўр эътибор билан қулоқ тутадилар.

«Правда» партия ва умумхалқ жамоатчилик фикри минбаридир. У фактларни ҳаққоний, тез ва чуқур таҳлил этади, муҳим умумлашмалар ясайди. Редакция коллективи партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларига қатъий амал қилган ҳолда иш тутмоқда. Совет ва бар мамлакатини иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш, халқ ҳўжалиги барча тармоқларини янада ҳамда ишлаб чиқаришни, меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан партия белгилаган вазифалар қандай амалга оширилаётганлиги газета саҳифаларида мунтазам ҳикоя қилиб келинмоқда. Бу темалар келаси йилларда ҳам газета саҳифаларидан тушмайди.

«Правда»нинг ҳар бир сонида сиз партия ҳаётига оид материалларни топасиз. Ундаги партия ташкилотлари тажрибаси таҳлил қилинган, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ленинча иш услуби қандай қарор топаётганлиги баён этилган бўлади. 1985 йилда ҳам «80-йиллар коммунистлари» рубрикаси остида қизиқарли мақолалар, партия ташкилотлари ҳаётига оид ахборот ва материаллар мунтазам бериб борилади. Бу мавзуни ёритишда бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш, танқид ва ўзини танқидни ривожлантириш, партия аъзосининг шон-шуҳрати ва обрўсини ўстириш, ғоявий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича коммунистлардан келаётган хатларга алоҳида эътибор берилади.

Газетанинг «Назария масалалари» доимий рубрикаси остида жамиятимиз тараққиёти, совет турмуш тарзи ва проблемаларига бағишланган мақолалар бериб борилади. Айни пайтда газета саҳифаларида халқаро воқеалар, ҳозирги жаҳон революцион тараққиёти истиқболлари таҳлилига оид материалларга ҳам катта ўрин беради.

Иқтисодий проблемалар бундан буён ҳам газета учун бош мавзу бўлиб қолаверади. «Кенг кўламли эксперимент», «Агросаноат комплекси», «КПСС XXVI съезди қарорларида тилга олинган», «Хўжаликни бошқариш услуби» каби рубрикалар остида мутахассислар, олимлар, министрликлар ва идораларнинг ходимлари, иқтисодий обзорчиларнинг мақолалари бериб борилади. Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини бажариш бўйича тўпланган тажрибалар кенг ёйилади.

«Правда» саҳифаларида меҳнат коллективларининг ҳаёти, ишлаб чиқаришни бошқаришда улар ролини оширишга оид материалларни янги йилда кўпроқ ўқийсиз. Социалистик мусобақа, илғор тажрибаларни пропаганда қилувчи мақолалар кўпаяди. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усуллари жойларда қандай қўлланилаётганлиги эътиборда бўлади. Беш йилликнинг якунловчи йили мусобақасининг бориши ҳар ойда обзор қилиб турилади, социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги назоратда бўлади.

Ахлоқ, тарбия, гражданларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, оила ҳақидаги мақолалар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотиши табиий. Айниқса, мактаб ислоҳотини амалга ошириш йўлида бажарилаётган ишлар кенг таҳлил қилиб борилади. Адабиёт, санъат аҳллари, олимлар қандай ижодий ишлар билан банд эканликларини газета саҳифаларида берилаётган материаллар орқали билиб борасиз.

Меҳнаткашлардан келаётган хатлар газета учун янги мавзуларнинг туганмас чашмасидир. Газета ҳар йили ярим миллионга яқин хат ва ҳужжатлар олиб туриpти. Уларнинг аксарияти газета саҳифаларида кун сайин эълон қилиб борилмоқда. Бундан буён ҳам хатлар асосида махсус саҳифалар, чиқариб борилади. Халқ контроли саҳифаси ҳам газетхонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳўжасизлик, бюрократизмни танқид қилувчи материалларни кўпроқ сиз шу саҳифаларда ўқийсиз. Редакция газетхонларнинг таклиф ва истакларига эътибор билан қарайди. Бундай таклифлар янги мавзуларга асос бўлиши табиий.

Чет элларда «Правда»нинг 40 дан ортиқ махсус мухбирлари бор. Чет эл воқеаларини тез ва аниқ ёритиб бориш, уларни ишончли тарзда шарҳлашни газета муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Келаси йилда ҳам халқаро обзорларга кенг ўрин берилади. Редакциянинг етакчи журналистлари социалистик ҳамдўстлик, КПСС ва Совет давлатининг Тинчлик программасини амалга ошириш йўлида олиб бораётган кураши тўғрисида тўлақонли материаллар эълон қиладилар. Ғоявий мухолифларимизнинг кирдикорларини фош этувчи мақолаларни кенг газетхон эътиборига ҳавола этадилар.

«Правда»нинг ҳар бир сони 10 миллиондан ортиқ нусхада тарқалади. У мамлакатимизнинг барча иттифоқдош ва автоном республикаларига, ўлка ва областларига, жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакатига етиб боради. Газета ҳозир мамлакатимизнинг 51 шаҳрида босиб чиқарилмоқда. Уларнинг кўпчилигига газета фототелеграф орқали берилади. Қатор шаҳарларда газета офсет усулида босилмоқда. Бу усул газетани сифатли қилиб чиқаришга ёрдам бераяпти.

«Правда»га обуна бўлсангиз, мамлакатимизда ва чет элларда рўй бераётган муҳим воқеалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз, материалларни ўқиб ўзингиз учун фойдали маслаҳатлар оласиз, партия ва халқимизнинг коммунистик қурилишдаги янги марраларни эгаллаш юзасидан кўраётган тадбирларининг асл моҳиятига тушуниб етасиз.



Фотоахборот

ГЎЗАЛ КОШОНАЛАР МАФТУНИ

Шаҳарлар ҳусни-жамоли архитекторлар ақл-заковати билан яратилган кошоналар билан безанади. Ажойиб лойиҳалар асосида қурилган бинолар, қасрлар, кошоналар кишини ўзига мафтун этади. Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Политехника институтининг архитектура факультетида ёшлар мана шу касбнинг сирларини ўрганишмоқда. Юқори курс студентларидан бир группаси аудиторияларда олган назарий билимларини амалий машғулотлар билан мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон тарихий ёдгорликларини лойиҳалаш ва таъмирлаш илмий тадқиқот институтида практика ўтказишяпти. Ёш мутахассислар тажрибали меъморлар қўлида архитектура сирларини, қонун-қоидаларини қунт билан ўрганиб олишмоқда.

СУРАТДА: архитектура факультетининг студенти Дилфуза Низомова нақшин кошонанинг ички тузилиш лойиҳасини ўрганмоқда.

А. ЯҲЁЕВ фотоси.

СЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● **БОБОЛАРИДАН КАТТА НЕВАРАЛАР**

Ҳозирги вақтда болгарлар ўзларининг ўтмишдошларидан узоқ умр кўриб яшамоқдалар. Болгария Халқ Республикаси Фанлар академиясининг Этнографик тадқиқотлар институтида олиб борилган изланишлар ўтган асрларда ва социал-иқтисодий шароитлар демографик жараёнида болгарларнинг ўртача қанча умр кўрганлигини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Маълум бўлишича, XIX асрнинг бошларида аҳолининг ўртача умр кўриши Болгариянинг ҳозирги чегараларн ичида борйўғи 31 йилни ташкил этган экан. 100 йил ўтгач эса у 39 йилга кўпайди. Умрнинг узайиш тенденцияси кейинги йилларда ҳам сақланиб қолмоқда. Айниқса, мамлакатнинг социалистик ривожланиши даврида бу борада кучли силжиш юз берди. Шу даврда умр кўриш яна 19 йилга кўпайди. Эндиликда Болгария Халқ Республикаси жаҳонда ўртача умр кўриш бўйича энг юқори кўрсаткични эгаллаб турибди. Ўртача умр кўриш бу ерда 71 йилни ташкил этади. Эркаклар ўртасида у 68 ёшни, аёллар ўртасида эса 73 ёшни ташкил қилади.

● **БУНДАН 30 МИНГ ЙИЛ МУҚАДДАМ**

Монголиянинг қадимги тарихи ва маданиятини ўрганиш бўйича ҳамкорликдаги монгол-совет экспедицияси 25 йилдирки иш олиб бормоқда. Экспедиция республика территориясининг кенг қатламларида, жумладан унинг Гоби ва марказий районларида комплекс тадқиқотларни олиб бормоқда. Тадқиқот натижалари бундан 30 минг йил муқаддам ҳам Монголия территориясида қадимги одамлар яшаган жойлар бўлган, деган хулоса чиқаришга асос бўлаолади.

● **ҚУЁШ НУРИ БИЛАН ИШЛАЙДИ**

Франция жанубидаги Пренияда ғалати телефон-автомат ўрнатилди. Улар манбаин митти қуёш батареяларидан оладн. Мабодо ҳаво айниб, қуёш кўринмай қолган ҳолларда ҳам аккумуляторларга тўпланган энергия телефонларнинг тўхтовсиз равишда етти ҳафтагача ишлаб туришини таъминлайди. Бундай телефон қурилмалари оддий аппаратларга қараганда анча арзонга тушади.

● **ЙЎҚОЛГАН БАЛИҚЧИЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА**

Бундан тўрт ой илгари олти кишн балиқ овланадиган кемада Гуамадан очиқ денгизга чиқишди. Орадан озроқ вақт ўтгач улар билан ўрнатилган алоқа узилди. Яқинда эса филиппинлик бир балиқчи дом-дараксиз йўқолганларнинг мактубн ичига солинган шиша идишни тутиб олди. Тутиб олинган бу шиша идиш шундан гувоҳлик беряптики, балиқчилар тинрик ва улар Филиппин архипелаги оролларидан бирида экан. Йўқолган балиқчиларнн қутқариш мақсадида вертолётлар ва кичик самолётларда қутқарув группаларн ташланди.

● **ОЧКЎЗЛИК ҚУРБОНЛАРИ**

Япониядаги фармакология фирмаларининг очкўзлиги олдига ҳеч нарса тушолмайди. Фойда кетидан қувганлар етарли синовдан ҳали ўтмаган дорн-дармонларнн бозорларда сотишга чиқармоқдалар.

Япония соғлиқни сақлаш министрлигининг маълумотларига кўра, ўтган йили касалхоналарда ана шундай дориларнинг касофатидан 766 кишн жиддий зарарланди, 21 касал эса ҳаёт билан ҳайрлашди. «Жапан таймс» газетасн бу рақамларнинг ҳаддан ташқари камайтириб кўрсатилганини таъкидлаб, касалхоналарнинг бор-йўғи 30 процентн текширилганини уқтириб ўтади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
26 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВЕТ ТИНЧЛИК ТАШАББУСИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

СОФИЯ. Жаҳон Тинчлик кенгашининг президенти Р. Чандра Болгарияда чиқадиган «Вечерни новини» газетасининг мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: жаҳон халқлари герман фашизми билан япон милитаризмини тормор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшган Совет Иттифоқидан миннатдордирлар. Тарих ҳақиқатини бузиб кўрсатишга, фашизм устидан қозонилган ғалабада СССР асосий роль ўйнаганлиги фактини тўғрисида оғиз очмасликка уринаётган сиёсатдонлар ва сохта тарихчилар ҳамманинг нафратига муносибдирлар.

Ҳар бир софдил киши, деб таъкидлади Р. Чандра, тинчлик иши тантанаси йўлида Совет Иттифоқи берган қурбонлар хотирасини ҳурмат билан эсга олади. СССР агрессив империалистик доираларнинг, аввало АҚШ ва НАТО агрессив империалистик доираларининг, айби билан халқаро вазият кескинлашган ҳозирги пайтда ҳам ана шу идеалларга амал қилмоқда. Эндиликда Американинг биринчи зарба уришга мўлжалланган янги ракета ядро қуроли Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда жойлаштирилганлиги алоҳида хавфхатар солмоқда. Шу муносабат билан Р. Чандра СССРнинг БМТ Бош ассамблеяси 39-сессиясида олға сурган тинчликсевар ташаббуслари муҳим эканлигини қайд этиб ўтди. Ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида мажбурият қабул қилган Совет Иттифоқидан ўрнак олишлари лозим.

Планетадаги тинчликсевар кучлар, деб таъкидлади Жаҳон Тинчлик кенгаши президенти, СССРнинг, бошқа социалистик давлатларнинг конструктив таклифларини қатъиян қўллаб-қувватламоқдалар. Бу таклифлар давлат терроризмни сиёсатига йўл қўймасликка, космик фазо ҳарбийлаштирилишини ва ядро қуроли синовларини тақиқлашга қаратилган.

БИТИМГА ЭРИШИЛДИ

БУЭНОС-АЙРЕС. Бу ерда Аргентина билан Чили ўртасида Америка чекка жанубининг Бигл бўғози районидаги чегара низоларини Ватикан воситачилигида бартараф этиш тўғрисида битимга эришилди.

Иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда гов бўлиб келаётган можарога чек қўйиш йўлида жиддий қадам қўйилди.

Музокараларда эпчил позицияни эгаллаган Аргентина ана шу оролларга ва улар туташ 30 миля радиусдаги сув территориясига суверенитетдан воз кечди. Чили оролларнинг атрофидаги территориал сувлар зонасини 200 милягача кенгайтиришдан иборат ўзининг илгариги талабидан воз кечди. Томонлар Атлантика океани мазкур зонасининг соҳил акваториясини Аргентинага, Тинч океани мазкур районн соҳил акваториясини эса Чилига тегишли деб ҳисоблашга қарор қилдилар. Иккала мамлакат ўртасида Горн бурунн меридиани бўйлаб чегара чизиғи ўтади.

САВДО-СОТИҚ АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН

МЕХИКО. Мексиканинг ташқи савдо институтида «Мексика ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари» мавзуида семинар бўлди. Семинарда ҳукумат идораларининг раҳбарлари, олимлар, корхона эгалари, БМТнинг Лотин Америкаси учун иқтисодий комиссия вакиллари қатнашдилар.

Семинар иштирокчилари Мексиканинг социалистик ҳамдўстлик давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришни ёқлаб гапирдилар, шу алоқаларни амалга ошириш йўлларини белгиладилар. Экономика планли ва барқарор бўлган социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликнинг кенгайтирилганлиги, деб уқтирди сўзга чиққан нотиқлар, Мексикага қўшимча афзалликлар келтирган бўлар эди. Семинарда мамлакатнинг фақат АҚШ бозорини мўлжаллаб иш кўришига чек қўйиш зарурлиги таъкидланди. Савдо-сотиқ соҳасида шимолдаги қўшнига қарам бўлиш, деб уқтирди кўпгина нотиқлар, мамлакатнинг молия-иқтисодий аҳволига салбий таъсир қилмоқда.



СУРАТДА: мамлакат пойтахти Варшава шаҳрида сурат чизиш бўйича ўтказилган болалар конкурсида. Бундай конкурс болаларда катта қизиқиш уйғотади.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ҒАРБНИНГ ЯНГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ НАТИЖАСИДА

АДДИС-АБЕБА. Ғарбнинг янги мустамлакачилик сиёсати Африка қитъасидаги иқтисодий қийинчиликларнинг асосий сабабидир, деб ёзади «Эфиопиен геральд» газетаси. Кейинги ўн тўрт йил мобайнида, деб уқтирилади мақолада, кўп миллатли корпорацияларнинг Африка экономикасига қўйган бевосита маблағлари икки баравар кўпайиб 11 миллиард долларга етди. Улар сарфланган доллар ҳисобига 3,5 доллардан фойда олмоқдалар. Ғарб экспорт қилинаётган ҳом ашё нархини қасддан пасайтириб, айни пайтда импорт қилинаётган саноат молларининг қимматини ошираётганлиги қитъа давлатларининг қарзини кўпайтириб юбормоқда.

* * *

НАЙРОБИ. Ғарб банклари бераётган қарзлардан ҳаддан ташқари оширилган процентлари, улар «ёрдами»нинг асоратли шартлари Африка мамлакатларини социал-иқтисодий ривожлантириш йўлида жиддий тўсиқ бўлмоқда, деб ёзади «Кения таймс» газетаси. Ғарб қитъани фақат арзон хом-ашё манбаигина деб билади ва унинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлашдан манфаатдор эмас. Газета халқаро реконструкция ва ривожланиш банкининг талончилик практикасини кескин қоралайди. Бу банк қарз берилиши эвазига «ислоҳотлар»ни амалга оширишни талаб қилмоқда. Бундай «ислоҳотлар» ёш давлатларнинг иқтисодий мустақилликдан маҳрум бўлишига олиб келмоқда.

ГИГИЕНИК ПОЛИМЕР

Белоруссия Фанлар академияси умумий ва ноорганик химия институтининг олимлари яратган полимер материал ишлаб чиқаришга тайёр.

— Пластмассалар ҳатто ёнмаганида ҳам юксак ҳарорат таъсирида парчаланиб, заҳарли газлар чиқаради, — дейди Белоруссия ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Ермоленко. — Айни шу нарса бизни ёнмайдиган ва заҳарсиз сунъий материал ишлаб чиқишга ундади. Бу материалда одам организми учун хавфли моддалар йўқлиги ёнғинликдан медицина саноати ва озиқ-овқат саноатида фойдаланишга имкон беради.

Янги пластикни саноат ишлаб чиқаряпти. Унинг нархи одатдаги пластмассадан баланд эмас.



Наримон ОРИФЖОНОВ — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. Катталар ва кичик ёшдаги болалар учун ёзилган кўплаб китоблар муаллифи. Ўзбекистон Журналистлар союзи мукофотининг лауреати.

Наримон ОРИФЖОНОВ

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

КУЗ ОҚШОМИ

Куз оқшоми, дам олиб
Ҳушҳол,
Ғалдузларга боқаман бир дам.
Жимирлашиб тортади хаёл:
Қанча нурни олмиш қаердан!
Лекин менинг бепоён далам
Ҳосилларин чақмоқ аксидир.
Ҳилвасн ҳам, ёруғ нури ҳам,
Ғазабсизлик ўйноқ рақсидир.
Шунки, юртим юлдуз чаноғи
Ҳайралар сонидан ортиқ.
Самашади кўзим қароғи,
Меҳнатимга муносиб тортиқ.
Ғазоларнинг чексиз бойлиги
Тумбоқларнинг бағри каби
кенг.
Лекин унинг сирли дунёси
Келмас замин зарларига тенг.
Бунга дилдан бўламан иқрор,
Ва ортади фахрим-ғурурим.
Она юртим беқиёс диёр,
Сенга бўлсин мадҳим,
сурурим!

ОНА

Босиб келганида бераҳм уйқу,
Баъзан мудрайсан
бешик устида.
Инғалаб қолса-чи,
сергак тортасан
Сергак тортган каби
солдат постида!

ДУНЁ ЭКАН...

Дунё шундай экан
гоҳ ҳуд, гоҳ бехуд.
Таниш кўпаяди
келса омадинг.
Маҳзун кунларингни
қиласан унут,
Меҳмон кутиш бўлар
фақат одатинг.

Дунё шундай экан,
дўстим ёдда тут:
Нур борки, соя бор,
югуриб-елиб
Бошинг узра кўнар
бўлсами булут
Уз соянг тарк этар
биринчи бўлиб...

ҚЎШИҚ АЙТГАН ҚИЗ

Оқшом бир қиз қўшиқ айтади,
Юрагидан жўшиб айтади,
Меҳру-дилин қўшиб айтади,
Сув сепгандай борлиққа
сукут,
Бўлган каби бу дунё унут.

Қўшиқлари майин, дилрабо,
Олисларга етаклар сабо,
Деган каби қани, марҳабо,
Давра сизга доим мунтазир,
Ором олиш пайтидир ҳозир.

Қалбин чертар чертган дутори
«Чертмак» билан чиқар
хумори
Қай бахтиёр у гўзал ёри,
Қўшиғидан жон олса жаҳон,
У қизда ҳам бормикин армон!

ПСКОВ ОБЛАСТИ. Петровскоеда А. С. Пушкининг авлодлари билан боғлиқ бўлган тарихий кўй бор. 1742 йилда император Елизавета Петровна шоҳрининг бобоси — генерал-аншеф Абрам Петрович Ганнибалга тортиқ қилган уйда Александр Сергеевич Пушкин тез-тез бўлиб турарди. Шоҳрин А. П. Ганнибал тарихи ва унинг ўғилларн ҳаётн қизиқтириб, бу ҳақда кўплаб асарлар яратган.

Ҳозирги вақтда уй-музей тикланиб, ўша даврга оид барча материаллар тўпланган.

СУРАТДА: Петровскоедаги А. С. Пушкин авлодлари уйи.

Г. Калачьян фотоси.

ЕР КУРРАСИДАГИ ТАБИИЙ ОФАТЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Нью-Йорк атрофларида «Жозефина» бўрони бўлиб ўтди. Тезлиги соатига 136 километрга етган шамол сайр кемасини соҳилга итқитиб юборди ва сув юзасини кўтарди. Натижада Нью-Йоркнинг Лонг Айленд райони ва у билан қўшни Нью-Жерси штатидаги автомобиль йўлларининг айрим участкаларини сув босди.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг жанубида қаттиқ қурғоқчилик давом этмоқда. Узоқ вақт ёғин бўлмаганлигидан дарё ва кўллар қуриб қолди, экинларга катта зарар етди. ЮНИ агентлигининг хабар қилишича, 50 миллионга яқин киши очликдан азоб чекмоқда. Ҳиндистонда мўқаддас ҳайвон ҳисобланган қора молни сўйиш ҳоллари ҳам рўй берди.

Айни вақтда Ҳиндистоннинг шимолий районларига мавсумий муссон ёмғирлари ёғиб, қаттиқ тошқинлар вужудга келтирди.

КОТОНУ. Узоқ қурғоқчиликдан сўнг кутилган ёмғир Нигер республикасининг шимоли-ғарбидаги Тиллабери шаҳри аҳолисига шодлик келтирмади. Шаҳарга ёққан қаттиқ тропик жала мисли кўрилмаган тошқинни вужудга келтирди. Бу ерда етти соат ичида 206 миллиметр ёмғир ёғди. Нигерда чиқадиган «Сахел Эбдо» газетасининг ёзишича, бу ёғингарчилик кейинги 24 йил ичидаги энг юксак даражадан ҳам уч баравар кўпдир. Тошқин натижасида кўпгина уйлар вайрон бўлди. 125 оила бошпанасиз қолди. Маъмурлар жабрдийдаларга озиқ-овқат билан ёрдам бермоқдалар.

Жала ёмғир, қўшни Буркина Фасо (собиқ Юқори Вольта) давлатидаги Горон-Горон шаҳарчасига катта зиён етказди. У ҳам узоқ давом этган қурғоқчиликдан қийналган эди, лекин шу жала натижасида шаҳарликларнинг учдан икки қисми бошпанасиз қолди.

МАНИЛА. Филиппин оролларининг шимолидаги кичик оролар ўртасида қатнаб турган пассажир паромн қаттиқ бўрон натижасида ғарқ бўлди. Паромдаги 36 йўловчи ва команда аъзоларидан атиги икки киши омон қолди. Улар бўрон чоғида паром матори бузилиб, кема тўлқинга қарши туролмаганлигини маълум қилдилар.

ЖАЗОИР. Кейинги кунлар Жазоирнинг шимолий қисмида ёққан шаррос ёмғирлар натижасида мамлакатдаги Катта Шлеф дарёси тошди. Офат шаҳарлардаги нормал ҳаётни издан чиқарди.

Пойтахтдаги баъзи кўчалар ва майдонларни сел босди, йўлларнинг айрим участкаларини ювиб кетди, бир қанча районлар электр энергиясиз қолди. Нобуд бўлганлар ҳам бор: бир кишини чақмоқ ўлдирди, 13 киши кўчки натижасида халок бўлди, деб хабар қилади «Ал Мужаҳид» газетаси. Икки юздан кўп оила шошилинч тартибда хавфсиз районларга кўчирилди.

Шаҳар маъмурлари табиий офат оқибатларини тугатиш чораларини кўрмоқдалар.

ҚАҲРАМОН КЎЧАСИДА

Уруш ветеранлари ва армияга чақирилувчи ёшлар, 89-мактаб пионерлари қаҳрамон хотирасини ҳурмат билан эслаш учун Тошкентдаги унинг номи билан аталадиган кўчага келдилар.

... Александр Соломатин қирқ биринчи йилнинг июнида ўрта мактабдаги битириш имтиҳонларидан кейин граждан бўлиб етилганлик имтиҳонига ҳам борди. У урушнинг биринчи кунларнёқ Фрунзе район ҳарбий комиссариатига келиб, Ватан ҳимоячиларининг сафларида туришга тайёр эканини айтди. Уни Тошкентдаги пиёдалар билим юртига, сўнгра эса фронтга юборишди. 1945 йилнинг январида катта лейтенант А. Соломатиннинг ротаси немис қўшинларининг муҳим мудофаа марраси — Одер дарёсидан биринчи бўлиб кечиб ўтди. Ғарбий соҳилда чоғроқ бир майдонни қўлга киритган совет жангчилари асосий кучлар етиб келгунича уни ушлаб турдилар. Александр Соломатин ўз аскарлари билан гитлерчилар сакқиз марта қилган қарши ҳужумни қайтарди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Лекин Александр ғалабагача етиб кела олмади, кўклам бошларида довюрак офицер жангда ҳалок бўлди.

89-мактабнинг ёш изтопарлари мактабни битириб фронтга кетганлар тўғрисида кўп йил давомида материал тўпладилар. Улар Александр босиб ўтган бутун жанговар йўлни тиклашга, унинг қон-қариндошлари билан алоқа боғлашга муваффақ бўлдилар. Шундан сўнг А. Соломатин номидаги дружина пионерлари қаҳрамон яшаган Академическая кўчасининг номини ўзгартириш тўғрисида таклиф киритдилар.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

«Тошкент оқшоми» газетасига 1985 йил учун обуна давом этмоқда. 1985 йил учун обуланн шу йилнинг 1 ноябрига қадар расмийлаштириш лозим. Обуланнинг баҳоси бир йилга — 7 сўм 80 тийин, олти ойга — 3 сўм 90 тийин. Обуна «Союзпечать» корхоналари, алоқа бўлимлари, ҳш ва ўқиш жойларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинмоқда.

Обуна билан боғлиқ таклиф ва мулоҳазалар ҳамда шикоят юзасидан ушбу адресга мурожаат қилишингиз мумкин: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. «Тошкент оқшоми» редакцияси. Телефонлар: 33-57-02, 33-29-70, 33-29-09. 33-29-33.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА
II группа Шарқ зонаси командалари ўртасида СССР биринчилиги учун

ХОККЕЙ

28, 29, 31 ОКТЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «ГОРНЯК» (Дальнегорск).
3, 4, 6 НОЯБРДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «АМУРСТАЛЬ» (Комсомольск).

Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, иш кунлари соат 19.30 да бошланади.

46-03-12; 46-70-31; 46-07-53; 46-68-77 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ (БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ (сонли, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори) ВА СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда стипендия берилади.

8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ЙИЛ.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касби тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

БОШҚА ШАҲАРЛИКЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзга эга бўладилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирувчилар учун бирлашма қошида Тошкент Политехника институти кечки бўлими ва авиация техникуми (самолётсозлик факультети) мавжуд.

Билим юртида спорт секциялари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён атрофида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисида ҳужжатлар, (286-формадаги медицина справкаси), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 дона 3х4 см, 4 дона 4х5 см. ҳажмдаги фотосуратлар, характеристика, таржимаи ҳоли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (121, 30, 8-автобусларнинг «166-билим юрти», 3, 23-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси» бекатлари).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ
ҚИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ
29 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ЯЛТИРОҚ ДУНЁ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ



Сценарий муаллифи ва режиссёри — Б. МАНСУРОВ.
Ролларда: Т. ХЯРМ, И. ЛИЕПА, П. КАДОЧНИКОВ, Г. СТРИЖЕНОВ, Л. ПРИГУНОВ, А. ВОКАЧ ва бошқалар.

А. Гриннинг парвоз қилишга қодир бўлган инсон ҳақидаги шу номли фантастик романи асосида экранлаштирилган.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ
1984-85 ўқув йилига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

ЎҚУВ КУРС КОМБИНАТИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ ОВҚАТ (саноат) ТОВАРЛАРНИ ҲАММА ПРОФИЛЛАРИ БЎЙИЧА СОТУВЧИ ВА КОНТРОЛЁР КАССИРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ 17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқув-курс комбинатини тугатганларга «Сотувчи», «Контролёр-кассир» деган малака берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқув-курс комбинати тингловчилари ишлаб чиқариш практикасини Тошкент шаҳридаги энг яхши савдо корхонасида ўтайдилар.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, фотосурат (3х4 см.) 4 дона ёки 6 дона.

Ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиник касалхонаси» 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

«Главташкентстрой»
«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг
2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

инженер-электриклар, техник-электриклар; автокранлар ва минорали кранларнинг машинистлари, 1, 2, 3-классли ҳайдовчилар, К-700 маркали тракторларнинг тракторчилари, токарлар, фрезерчилар, газ-электр пайвандчилар, темирчи, минорали кранлар монтажи ва ремонти бўйича электрослесарлар, автослесарлар, прораблар, минорали кранлар эксплуатацияси ва ремонти бўйича механиклар ва мастерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР ОЗИҚ-ОВҚАТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТЎПЛАШ ИДОРАСИ

нон, крупа ва бошқа унли маҳсулотлар чиқиндиларини нақд пул эвазига — ҳар килограмми учун 12 тийин баҳосида тўлашни уюштиради.

Озиқ-овқат чиқиндилари 8.00 дан 19.00 гача, танаффус — 13.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунларисиз қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гоголь кўчаси, 38-уй («ВЛКСМ 30 йиллиги» кинотеатри қаршисида).

ЛЕНИН РАЙОНИ 3-ҚЎЙЛИҚ МАССИВИ 34-ЖЭК, 17-уй («Олимпия» кафеси ёнида);

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ, 11-квартал, 65-ЖЭК, 41-уй сут комбинати қаршисида.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ, 17-квартал, 32-уй (метронинг «Чилонзор» станцияси).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

НОН ҚОЛДИҚЛАРИНИ ТОПШИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!

Шуни ёдда тутингки, сиз тўплаб берган 10 килограмм нон, килограмм круна қолдиқлари шаҳар аҳолисига сотиш учун 1,5 килограмм гўшт етиштириш имконини беради.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ 20-БОЛАЛАР МУЗИКА МАКТАБИ
27 октябрь соат 17.00 да мактаб ташкил этилган куннинг 25 йиллигига бағишланган юбилейга МАКТАБНИ БИТИРИБ КЕТГАНЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЮБИЛЕЙ «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида ўтказилади.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
1985 ЙИЛ УЧУН
ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА
ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ТУГАМОҚДА
31 ОКТЯБРЬ ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ СЎНГГИ КУНИ.
Ўзингиз қизиққан нашрга обуна бўлишни унутманг!
Ўзбекистон ССР алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» матбуот тарқатиш бошқармаси.

«Узоргтехколхозстрой» трестининг
ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН КЎЧМА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ УЧАСТКАСИ НАМАНГАН ШАҲРИГА **КЎЧИРИЛДИ.**

Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: 700000, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 62-уй. «Узоргтехколхозстрой» трести. Телефон 35-17-65.

«Ташкентгортрансэкспедиция» бирлашмасининг 150293—150300 номерлардаги йўқолган
БУЮРТМА-КВИТАНЦИЯЛАРИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташпромстрой» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг кўчма механизациялашган колоннаси касаба союз комитетининг йўқолган
ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ 32 (161)-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
18 ЁШГА ТЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

СИГАРЕТА ЧИҚАРИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ МАШИНИСТ-СОЗЛОВЧИСИ. Ўқиш муддати — 6 ойгача.

СИГАРЕТА ЧИҚАРИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати — 3 ойгача.

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентигача миқдорида пул мукофоти оладилар.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқишга кирган йигит ва қизларга ойига 72 сўм миқдорида стипендия берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Гёте кўчаси, 52-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти»; 21, 49-«э» автобусларнинг «2-нон заводи» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҚЎНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА
1984-85 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар, пионервожатийлар ва СССР Қуролли кучлари сафида хизматни ўтаб бўлганлар, совхозлар, мактаблар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак. Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти кундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

1984/85 ўқув йилидан бошлаб институт «Чет тили» ва ўзбек мактаблари учун «Рус тили ва адабиёти»дан мутахассислар тайёрлайди.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлим) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат 3х4 см.).

Аризалар 10 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбат 16 ноябрдан 20 ноябргача давом этади.

Қабул қилиш 26 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Ўқиш 1 декабрдан бошланиб, 8 ой давом этади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1984 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй, 6-хона. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАРНИ ҚЎШИМЧА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электр монтажчи (Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар), **ёритиш ва ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи** (қизлар), **коммутация иккиламчи тармоқлари бўйича электр монтажчи** (қизлар).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 4 ОЙ.

Ҳар ойда ўқувчиларга 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентигача ўқувчиларга берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини тугатганлар техникум ва институтларга киришда имтиёзларга эга бўладилар.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 16.30 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқимачилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 40, 57, 58, 70, 79- автобуслар, 4, 7, 11, 26, 9, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

ТВ

ЖУМА

26 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.40 Гитарачи ака-ука Иванниковлар дуэти чалади.
18.10 «Дўстлашиб, бирга хизмат қиламиз». Хизмат қилувчи итларни ўргатиш марказий мактаби ҳақида телеочерк.
18.30 «Ҳозирги замон ва ишчилар ҳаракати».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Қишлоққа қўшиқ учун». Мусиқали кўрсатув.
20.30 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. «Жальгирис» — МАСК.
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ритм» операцияси». 2-кўрсатув.
21.20 «Моҳир қўллар». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Оғиш бурчаги». Бадиий фильм. 1-ва 2-серилар.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
19.00 «Ягона снёсий кун». «Ўзбекистон ССР халқларининг қардошлик оиласида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 Ғаллаорол «Райсельхозтехника»си иш тажрибасидан.
20.05 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.55 УзССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Мамадалиев куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Бузилмас иттифоқ». УзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Грузия телевиденнесининг программаси.
23.50 Янгиликлар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
26 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

Шанба

27 ОКТЯБРЬ

● МТ I

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.50 «Спортлото»нинг 43-тиражи.
11.00 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
11.30 «Сизга манзур адабиётлар».
12.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби.
13.30 «Дунё воқеалари».
13.45 «Биз боғ сайригa чиқдик». РСФСР халқ артисти Э. Хиль ижросида қадимий романслар.
14.10 «Оила ва мактаб».
14.40 Мультфильм.
15.00 «Ҳайвонот оламида».
16.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Москва). Танаффус пайтида (16.35) — «Агар соғлом бўлай десанг».
18.15 «Инсон. Ер. Коинот».
19.00 «Снёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
19.30 «Ветераплар, Сизлар учун». Мусиқали кўрсатув.
20.30 «Қизил қўнғироқлар». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».
23.40 Москва шаҳар автокорхоналарининг духовой оркестри чалади.
00.10 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
00.25 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 Шаҳарлар ҳақида телефильмлар.
10.05 «Тонгги почта».
10.35 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.05 Ритмик гимнастика.
12.35 «Қирол Джон». Г. Сундукян номли Арманистон Давлат академик театрининг фильм-спектакли. В. Шекспир пьесаси асосида.
14.50 «Ҳаёт йўли». 40-йилларда ҳунар билим юртларини тугатганларнинг тақдири ҳақида ҳужжатли фильм.
15.00 «Музикали киоск».
15.30 «Рерих». Телефильм.
16.40 Москва. Консерваториянинг катта залн. П. Шрайер концерти (ГДР).
18.40 «Адмирал Ушаков». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.10 «Маёқ шуъласи». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. АСК — «Спартак».


● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.30 «Менинг Ўзбекистоним». Видеофильм.
10.50 «Шахмат мактаби».
11.30 УзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган ҚҚАССР ва республика областлари театрларининг телевизион фестивали. К. Яшин. «Менинг Бухором». С. Айний номли Бухоро область музикали драма ва комедия театрининг спектакли.
13.25 «Инсон ва табиат».
14.55 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти.
15.35 «Шоирлар — болаларга».
16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденнеларининг биргаликдаги программаси.
18.00 «Республикамни куйлайман». Адабий композиция.
18.20 «Эртага — Автомобиль транспорти ходимлари куни» (рус.).
18.50 «Ўзбекистон қардошлик оиласида». Кинопрограмма.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Санъат усталарининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 Санъат усталари концертининг давоми.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ер фарзанди». Бадиий фильм.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00—16.40 МТ II

16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экрани».
18.00 Мактаб ўқувчилари учун». «Инсон меҳнати ва билими билан улуғ».
18.30 «Хотира қўнғироғи». Телефильм.
19.00 «Новости».
19.20 «Моҳир қўллар». Телефильм.
19.30 «Сўзнинг қадр-қиммати». Адабий кўрсатув.
20.00 «Ахбор».
20.25 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.40 Фильм-концерт.
21.20 «Юбилей йили пахтаси».
21.30 МТ II



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
— орган Ташкентского … Узбекистана и Ташгорисп…
Газета бир йилда 300 … чиқади.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 79.
Телефонлар: секретариат — 33-57-02; партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-87-02; —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; …ш ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, сан… рм — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 33-… —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарвар… 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-… диспетчерн — 32-78-94.
Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг … Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, Навоий …
Р—09531. Б-2015. 1 2 3 4 5